# Куч — адолатда

2010 йил,
10 июнь,
пайшанба
№ 23 (277)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ШҲТ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР



Айтиш керакки, ШҲТ дунёнинг энг нуфузли, қудратли, юқори салоҳиятга эга ташкилотларидан бирига айланди. Бунда ташкилотнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳар томонлама пухта ўйланган механизм вазифасини ўтаётгани, шунингдек, музокаралардаги очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. ШҲТнинг Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси ҳамкорликда бизнес вакиллари ва банк-молия тузилмаларининг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сиёсий соҳада ШҲТ давлатлари ўзаро ишончни мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларга ёндашувларни самарали мувофиқлаштиришга эришди. Айниқса. хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ШҲТ мамлакатлари учун доимо устувор ўрин тутади.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида сўз кетганда, ШҲТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма мавжуд эканини таъкидлаш жоиз. Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашмадан ташқари, божхона, транзит, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт, йўлсозлик, логистика, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб соҳалар бўйича махсус ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2010 йил 14 май | № 05 | Тошкент шаҳри

## Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида

**Фуқаролик ишлари бўйича вакилликка доир қонунчиликни қўллашда суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан ҳамда ушбу қонунчилик нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларга тушунтирилсинки, фуқаролик процессида вакиллик институти фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44, 116-моддаларида мустаҳкамланган суд орқали ҳимояланиш ва малакали юридик ёрдам олиш каби конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Судда вакиллик тарафлар, учинчи шахслар, аризачилар субъектив ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясининг процессуал кафолати вазифасини бажаришга қаратилган.

2. Қонун мазмунига кўра, суддаги вакил — ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда ҳуқуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахсдир.

3. Фуқаролик процессуал кодексининг 50-моддасига мувофиқ, юридик шахсларга тегишли ишларни ҳар доим уларнинг раҳбарлари ёки вакиллари юритадилар, фуқаролар эса, ўз ишларини судда шахсан ёки вакил орқали юритишлари мумкин. Бунда фуқаронинг шахсан иштироки уни мазкур иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун фуқаролик ишлари бўйича судда вакилликни икки турга ажратади — қонуний, яъни мажбурий вакиллик (ФПК 51-моддаси) ва шартнома бўйича, яъни ихтиёрий вакиллик (ФПК 52-моддаси).

Қонуний вакиллик белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган, бедарак йўқолган деб топилган ёки ўлган деб эълон қилинган шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор фуқаролик ишларини судда кўришда мажбурийдир. Қонуний вакиллик келиб чиқиши учун ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахс розилиги талаб этилмайди.

Судда вакиллик бошқа барча ҳолларда шартномага асосланган бўлади ва фақат ишонч билдирувчининг бунга хоҳиши мавжуд бўлганда юзага келади.

5. Судда қонуний вакил сифатида ота-оналар, васийлар, ҳомийлар ва ФПК 51-моддасида кўрсатилган бошқа шахслар иштирок этади.

(Давоми иккинчи бетда)

*2010-yil — Barkamol avlod yili*

**Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ғамхўрлик кўрсатиш олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. «Баркамол авлод йили» деб ном олган жорий йил бу борадаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда самарали ва салмоқли босқич бўлиши шубҳасиз.**

## Жамият тараққиётининг муҳим таянчи



Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади.**

(Давоми тўртинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

## Фуқаролик процессида экспертиза

### бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

**Маълумки, судда далиллардан фактик ҳолатларни белгилаш мақсадида фойдаланилади. Суд бирон-бир фуқаролик ишини ундаги мавжуд ҳолатларни аниқламасдан туриб ҳал этиши мумкин эмас.**

**Фуқаролик суд ишларини юритишда иш учун аҳамиятли ҳолатлар суд экспертизаси томонидан аниқланади.**



Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасига кўра, эксперт хулосалари исботлаш воситаси ҳисобланади. Шунингдек, эксперт хулосалари исботлаш воситаларининг бошқа турларидан бирмунча устунлиги билан ажралиб туради. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 56-моддасига кўра, тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам исботлаш воситаси сифатида эътироф этилса-да, айнан эксперт хулосалари ўзининг объективлиги, холислиги ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Зеро, суд эксперти ўз хулосаларини фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар асосида ўтказилган илмий текширувлар натижасида асослаб беради. Бундан ташқари ҳақиқатни аниқлаш зарурати билан боғлиқ айрим ҳолатлар мавжудки, улар фақат махсус билимга эга бўлган эксперт (экспертлар) хулосаси билангина тасдиқланиши мумкин. Шунинг учун ҳам эксперт хулосаси кўрилаётган иш бўйича асосий далиллар қаторига киради.

(Давоми учинчи бетда)

## Ушбу сонда:


Соғлиққа етказилган зарар 3

Васийлик ҳуқуқи 3

Сирли алоқалар таъсири 4


*Qonun ko`magi*

**Истиқлолнинг ўтган даврида мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилгани ва у бугунги кунда ўз самарасини бераётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Бинобарин, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти эканлиги амалда ўз тасдиғини топди.**

## Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари

### суд тартибида ҳимоя қилинмоқда

Эндиликда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишдан бошлаб, ҳисобот топширишгача бўлган жараёнлар соддалаштирилди.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки унинг мурожаатини эътиборсиз қолдириш оқибати яхшилик билан тугамайди. Бир сўз билан айтганда, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг амалда рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти давлат ва қонун воситасида муҳофаза қилинади.

(Давоми иккинчи бетда)

*Insonparvarlik tamoyillari*

## Бағрикенгликнинг ёрқин намунаси

**Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш жараёнида соҳага оид қонунчиликка халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик тамойиллари сингдирилди. Хусусан, қонунчиликдан ўрин олган ярашув институти ҳам айни шундай мақсадга хизмат қилади.**

Ярашув институти 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунга асосан амалиётга татбиқ этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Qonun barchaga barobar*

**Бу ҳаётда инсон билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик туфайли, борингки, оқибатини чуқур ўйламай босган ножўя қадами туфайли тўғри йўлдан адашиб кетиши мумкин.**

## Жазонинг муқаррарлиги

### жиноятчиликнинг олдини олади

Ҳеч кимга сир эмас, собиқ шўро даврида озгина камомад, кичкина хато ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этган жинояти учун шахс, албатта, қамоқ жазосига ҳукм этиларди. Бунинг натижасида нафақат жазога тортилган шахс, балки унинг оила аъзолари ҳам кўп қийинчиликларни бошдан кечирарди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Судда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида қуйидагилар иштирок этишлари мумкин:

1) адвокатлар, яъни қонунда белгиланган тартибда адвокатлик мақомини олган шахслар;

2) тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек, эр (хотин) ёки унинг қариндошлари;

3) юридик шахсларнинг ходимлари — мазкур юридик шахслар ишлари бўйича;

4) нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари — мазкур ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;

5) қонунга биноан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари;

6) иштирокчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;

7) жисмоний шахслар вакили сифатида суд томонидан ишда қатнашишга рухсат берилган бошқа шахслар, башарти улар вакил сифатида судда касб тариқасида (ҳақ эвазига ёки ҳақ олмай) фаолият олиб боришмаса.

Қонуний вакиллар ҳам, шартнома бўйича вакиллар ҳам вояга етган ва муомалага лаёқатли бўлишлари керак.

6. Ишонч билдирувчига қариндош шахслар доирасини аниқлашда суд ФПК 52-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди ва Оила кодексининг 57-,58-моддаларига амал қилиши лозим бўлиб, уларга кўра қуйидагилар қариндошлар ҳисобланади:

ота-она, болалар, неваралар, бобо, буви, эваралар, катта бобо, катта буви;

ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг болалари, отаонанинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари, бобо, бувиларнинг ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг болалари ва ҳ.к.;

ўгай ака-ука, опа-сингиллар.

7. Юридик шахс ходими деганда, мазкур ташкилотда меҳнат шартномаси (контракт)га асосан ишлаётган шахс тушунилади.

8. Судда нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари сифатида мазкур нотижорат ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт)га асосан ишлаётган ва унинг штатида турган шахслар бўлиши мумкин.

Судда вакил сифатида, шунингдек, нотижорат ташкилотларнинг ваколатли вакиллари ҳам иштирок этишлари мумкин, башарти бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси мазкур ташкилотларга бевосита қонунга биноан юклатилган бўлса (масалан, «Ўзбекистон Республикасининг савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси ва бошқалар).

9. Давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган давлат органлари судда нотижорат ташкилот вакили сифатида эмас, балки процесснинг бошқа иштирокчиси — давлат бошқарув органлари сифатида қатнашадилар (ФПК 48, 49-моддалари).

10. Фуқаролик процессуал кодексининг 41-моддасига кўра, процессда бир неча даъвогар ёки жавобгар, шунингдек, учинчи шахслар қатнашганда, вакиллик бошқа иштирокчилар топшириғига биноан шерик иштирокчилардан бири томонидан, башарти улардан ҳеч бирининг манфаатлари бир-бирига зид бўлмаса, амалга оширилиши мумкин.

11. Вакилларнинг ишга киришиши масаласи судья томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида ҳал этилиб, бу ҳақда ФПК 160-моддасига мувофиқ чиқарилган ажримда кўрсатилади. Агар вакилни ишга киритиш тўғрисидаги илтимоснома суд мажлисида билдирилган бўлса, масала ишда қатнашувчи бошқа шахслар фикри эшитилгандан сўнг баённомада қайд этиладиган ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Шахсни судда вакил сифатида қатнашишига ижозат бериш (қатнашишини рад этиш) тўғрисидаги ажрим устидан, у ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаганлиги сабабли, апелляция (кассация) шикоятидан алоҳида тарзда шикоят қилиш мумкин эмас.

12. Қонуний вакиллар ишга киришиши учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар жумласига қуйидагилар киради:

боланинг тегишли ота-онадан пайдо бўлганлиги, болаликка олинганлик фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

васий ёки ҳомийни, мерос мулкини асровчини тайинлаш тўғрисида қарорлар.

13. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллар ишга киришиши учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар ФПК 53-моддасига мувофиқ, берилган ишончномалар ҳисобланади, адвокатлар, юридик шахс раҳбари, шунингдек, ишонч билдирувчи суд мажлисида берган аризага (оғзаки ёки ёзма) биноан шартнома бўйича вакил сифатида ишда қатнашиши учун ФПК 53-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ижозат берилган жисмоний шахснинг қариндошлари ва бошқа вакиллари бундан мустасно.

Шартнома бўйича айрим вакиллар ишга киришишига ижозат берилиши учун қонун судга, ишончномадан ташқари, яна бошқа ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилади, жумладан:

ишонч билдирувчининг қариндошлари учун — ишонч билдирувчи ва вакил орасида қариндошлик алоқаларини тасдиқловчи ҳужжатлар;

юридик шахснинг раҳбари учун — унинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат.

Адвокат ишга киришиши учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлар тузилмаси томонидан берилган ордер тақдим этилиши кифоя бўлиб, у адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахс манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини (ФПК 54-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари) беради.

14. Судларга тушунтирилсинки, ишга киришиш учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар шартнома бўйича вакилларга процесс иштирокчисининг фақат умумий ҳуқуқларини (ФПК 34-моддаси) бериб, уларга қуйидагилар киради:

иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи;

иш материалларидан кўчирмалар олиш ҳуқуқи;

нусхалар кўчириш ҳуқуқи;

процесс иштирокчиларига раддия бериш тўғрисида арз қилиш ҳуқуқи;

далиллар тақдим этиш ҳуқуқи;

далилларни текширишда иштирок этиш ҳуқуқи;

ишда иштирок этувчи шахсларга, гувоҳларга, экспертларга саволлар бериш ҳуқуқи;

илтимосномалар тақдим этиш ҳуқуқи, шу жумладан, далиллар талаб қилиб олиш тўғрисида;

ишни судда кўриш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича важлар келтириш ва мулоҳазасини билдириш ҳуқуқи;

ишда иштирок этувчи шахслар илтимосномалари, важлари ва мулоҳазасига қарши эътироз билдириш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Процессуал қонун ишга киришиш учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатларда мазкур ҳуқуқлар батафсил кўрсатилишини талаб этмайди.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, айрим процессуал ҳаракатларни содир этиш учун қонун махсус ваколатлар мавжуд бўлишини талаб этиб, шартнома бўйича вакил, шу жумладан, адвокат ва ишга суд мажлисида ишонч билдирувчининг аризасига биноан киришган шахс ҳам бу ҳаракатларни фақат улардан ҳар бири қонунга мувофиқ расмийлаштирилган ишончномада қайд этилган ҳолдагина содир этишга ҳақлидир. ФПК 54-моддасига кўра, бундай ҳуқуқлар жумласига қуйидагилар киради:

даъво талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиш;

даъво асоси ёки предметини ўзгартириш;

даъво миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш;

даъвогар талабларини тан олиш;

келишув битими тузиш;

ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш);

суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш;

ижро варақасини ундирувга қаратиш;

ундирилган мол-мулк ёки пулни олиш.

Фаолияти устав билан тартибга солинадиган юридик шахслар раҳбарлари учун ҳам махсус ваколатлари борлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этиши талаб этилади, башарти уставда тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш корпоратив бошқарув органлари (умумий йиғилиш ёки бошқарув) ваколатига тегишли бўлса.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонуний вакиллар, шартнома бўйича вакиллардан фарқли равишда, ФПК 54-моддасида кўрсатилган барча процессуал ҳаракатларни махсус ваколат олмаган ҳолда мустақил содир этишга ҳақлидирлар.

16. Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар фуқаролик ишлари бўйича вакилликка доир қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини мунтазам ўрганиб боришлари ва натижаси бўйича мазкур ҳуқуқий институт тўғри қўлланилиши юзасидан тегишли чоралар кўришлари лозим.

17. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 19-сонли **«Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»**ги қарорининг 13-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Олий суд раиси** **Б.МУСТАФАЕВ**

**Пленум котиби,**
**Олий суд судьяси** **В.НАЗАРОВ**

*Qonun ko`magi*

# Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари



## суд тартибида ҳимоя қилинмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Биргина 2009 йил давомида тегишли идоралар томонидан вилоятнинг фуқаролик ишлари бўйича туман ва шаҳар судларига тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ 120 миллион 260 минг 396 сўм моддий ва 7 миллион 975 минг сўм маънавий зарарни ундиришни сўраб, 272 та даъво аризаси киритилган. Ушбу даъво аризаларининг 245 таси тўлиқ, 15 таси эса қисман қаноатлантирилди, 13 таси бўйича хусусий ажрим чиқарилди. Суднинг ҳал қилув қарорлари билан тадбиркорлар фойдасига 42 миллион 432 минг 842 сўм моддий, 5 миллион 925 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Тайлоқ тумани ҳокимининг 2006 йил 15 мартдаги қарорига асосан тугатилаётган «Боғизағон» ширкат хўжалиги ҳудудида ўтказилган танловда «Мангу олма боғлари» фермер хўжалиги ғолиб чиққан. Мазкур хўжалик юритувчи субъект ширкат хўжалигининг 26,60 гектар ер майдонини эллик йил муддатга ижарага олган.

Фермер хўжалигига тегишли қонуний ер майдонининг бир қисми 30 сотихли теракзор бўлиб, у ерда мутахассислар томонидан инвентаризация ўтказилиб, далолатнома тузилган. Унга кўра, 173 дона терак 5 миллион 190 минг сўмга баҳоланган ва фермер хўжалиги бухгалтерияси ҳисобига кирим қилинган.

Жавобгар Т.Очилов фермер хўжалигига тегишли теракларнинг 119 тасини ўзбошимчалик билан кесиб олган ва тадбиркорлик субъектига 4 миллион 377 минг 592 сўм зарар етказган. Т.Очиловнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Тайлоқ тумани судида кўриб чиқилиб, унга нисбатан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судида даъвогар «Мангу олма боғлари» фермер хўжалигининг жавобгар Т.Очиловга нисбатан моддий зарарни ундиришни сўраб, берган даъво аризаси кўриб чиқилди. Суд даъвони қаноатлантирди. Фермер хўжалиги фойдасига Т.Очилов ҳисобидан 4 миллион 367 минг 592 сўм ундирилди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари иш режасига кўра, Нуробод туманида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига оид қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан текшириш ўтказилган. Текшириш жараёнида туман статистика бўлими етакчи мутахассиси Ш.Сафаров томонидан Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»**ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг II бўлим 9-банди талаблари бузилганлиги аниқланди. Ш.Сафаров М.Шариповнинг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома беришни сўраб қилган мурожаатига етти кун кечиктириб жавоб берган. Ҳолбуки, қарор талабига кўра, бундай маълумотномани бериш муддати икки иш кунини ташкил этади.

Оқибатда фуқаро М.Шариповга маънавий зарар етган. Вилоят адлия бошқармаси жавобгар Ш.Сафаровдан фуқаро М.Шарипов фойдасига маънавий зарарни ундиришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига киритган даъво аризаси суднинг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар манфаатлари қонун ҳимоясида. Зеро, улар иқтисодиётимиз тараққиётининг таянчидир.

**Жамшид СУБҲОНҚУЛОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича**
**Самарқанд вилояти**
**судининг раиси**

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Бағрикенгликнинг ёрқин намунаси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларининг такомиллаштирилишида муҳим қадам бўлди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига кенг йўл очилди. Ярашув йўли билан жавобгарликдан озод қилиш кўпроқ қўлланилаётгани натижасида судланганлик ҳолатлари камаймоқда.

Шу ўринда маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти туман, шаҳар судлари томонидан 2009 йил давомида тарафларнинг ярашганлиги туфайли жами 564 нафар шахсга нисбатан 530 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган.Жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар қопланган.

Ярашув институти айбдор шахсларнинггина эмас, жабрланувчиларнинг ҳам ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун катта имконият яратмоқда. Келинг, фикримизни ҳаётий мисоллар билан давом эттирамиз.

Шофиркон туманидаги Янгибоғ қишлоғида яшовчи Ғулом Очилов Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

— Мен айбимга иқрорман. Бир йил мобайнида 708.300 сўм алимент пулини тўламадим. Фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг 2007 йил 20 ноябрдаги қарорига асосан 2007 йил 19 апрелда туғилган, вояга етмаган фарзандим Озодбекнинг таъминоти учун Майрам Авазовага алимент пулини тўладим. Хатоимни тушуниб етдим, жабрланувчи билан ярашдим, ундан кечирим сўрадим, — деди суд мажлиси чоғида Ғ.Очилов. — Менга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишингизни сўрайман. Буни аризамда ҳам баён этганман.

Майрам Авазова ҳам Ғулом Очилов алимент пулини тўлаганлиги, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашганликлари тўғрисида ариза бериб, судланувчига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўради.



Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Шофиркон тумани суди Ғулом Очиловни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, ишни ҳаракатдан тўхтатди.

Шофиркон туманидаги «Пахтаобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Жиловдор» қишлоғилик Шоназар Бобоназаров эса қўшниси Илҳом Ҳайдаров билан жанжаллашиб, унга қасддан енгил шикаст етказган. Судда Ш.Бобоназаров айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганлигини, унга етказилган зарарни қоплаганини, ўзаро ихтиёрий ярашишганини билдириб, кўрсатма берди.

Жиноят кодексининг 66[1] моддасига асосан, 109-модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Суд мазкур жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Кўриниб турибдики, ярашув институти амалда ўзининг афзал томонларини яққол намоён этмоқда. Дарҳақиқат, ярашув институти ўзбекона бағрикенгликнинг ёрқин намунасидир. У халқимизнинг табиатига, инсонпарварлик тамойилларига мос тушганлиги учун ҳам ғоят аҳамиятлидир.

**Набижон СОЛИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Шофиркон тумани**
**судининг раиси**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**«Куч — адолатда»**
**мухбири**

*Qonun barchaga barobar*

# Жазонинг

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан инсон манфаатлари ҳимоясига катта аҳамият берилди. **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида тамомила янги босқични бошлаб берди. Чунки жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши қонунчилигимиздан ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойиллари янада кенг ўрин олишига замин яратди. Бунинг натижасида суд амалиётида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини кенгроқ қўллаш имконияти пайдо бўлди.

Булунғур тумани машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тасдиқланган вазифалар тақсимотига кўра, бош ҳисобчи Тўрақул Пиримқулов зиммасига корхонанинг барча молиявий ишларини олиб бориш, акциядорлик жамиятига тегишли бўлган акция ва қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китобларни қонун доирасида амалга ошириш, дивидентларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш каби вазифалар юклатилган. Агар Т.Пиримқулов зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этганида, шубҳасиз, юзи ёруғ бўларди.

Афсуски, бош ҳисобчи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, акция ва қимматли қоғозлар ҳисоб-китобини олиб боришда қонун талабларини бузди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, у амалдаги **«Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори тўғрисида»**ги қонуннинг 36-моддаси, **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 75-моддаси талабларидан кўз юмиб, тумандаги тугатилган собиқ ширкат хўжаликларининг депозит ҳисобида турган 47,6 фоизлик 24 миллион 254 минг сўмлик оддий акцияларга ҳисобланган дивидент тўловларини янги ташкил этилган ўн тўққизта муқобил машина-трактор парки дебитор қарзларини қоплаш учун ўтказиб берди. У бу хатти-ҳаракати билан акциядорларга моддий зарар етказди.

Т.Пиримқуловнинг ноқонуний хатти-ҳаракати шу билан якун топмади. У ўзи бош ҳисобчи бўлган туман «МТП» ОАЖ устав жамғармасига чиқарилган ва собиқ Ҳ.Олимжон номидаги ширкат хўжалиги депозит ҳисобида турган 151 дона оддий акцияларни қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб «Иброҳимов Абдуғофир далалари» фермер хўжалиги ҳамда фуқаро У.Ҳасанованинг шахсий ҳисобига ўтказиб беради. Қонун талабига кўра, бу акциялар биржа савдоси орқали сотувга чиқарилиши керак эди. Айбини хаспўшлаш учун Т.Пиримқулов сохта ҳужжатлар тайёрлайди. Шу тариқа у «МТП» ОАЖ акциядорларига тегишли, қиймати 1 миллион 518 минг сўм бўлган акцияларни растрата қилиш йўли билан талон-торож этиб, акциядорларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказди.

Бу ҳаётда ҳар қандай қинғирликнинг ҳам миси чиқмай қолмайди. Вилоят қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришни назорат қилиш бошқармаси акциядорлар мулки қаёққа ғойиб бўлгани билан қизиққанида ҳақиқат ойдинлашди. Бошқарма қонун талаблари қўпол тарзда бузилгани тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

*Yangi qonun mohiyati*

# Фуқаролик процессида экспертиза

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза ўтказишнинг аҳамиятини эътиборга олган ҳолда Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида»** қарорида таъкидланишича, баъзан иш ҳолати бўйича, албатта, экспертиза ўтказилиши лозим бўлса-да, ишларни экспертиза тайинламасдан ҳал этиш, аксинча, айрим ҳолларда махсус билим талаб этилмайдиган саволларни аниқлаш борасида экспертиза тайинлаш ёки экспертлар олдига уларнинг ваколат доирасига кирмайдиган ҳуқуқий ва бошқа масалаларни қўйиш ҳоллари учрамоқда. Шу нуқтаи назардан, судларнинг эътибори фуқаролик иши ҳолатларини ҳар тарафлама, объектив текшириш мақсадида суд муҳокамасида фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларни аниқлаш учун экспертиза тайинлаш орқали ушбу соҳа ютуқларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш зарурлигига қаратилиши лозим.

Шунингдек, Пленум қарорида судлар экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик процессуал кодекси, Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 19 февралдаги 12-сонли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли экспертиза муассасаларида суд экспертизаси ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Низом, Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 21 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган **«Такрорий, комиссиявий ва комплекс суд-тиббий экспертизаси бўйича иш юритиш қоидалари»**, 2006 йил 19 сентябрда тасдиқланган **«Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаш, тадқиқот учун йўлланадиган материалларни тайёрлаш ва расмийлаштириш тўғрисида»**ги Йўриқнома, шунингдек, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишлари лозимлиги таъкидланади.

Кўриб турганимиздек, суд экспертизаси соҳасидаги муносабатлар қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда тегишлилигига қараб, Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси ҳамда Жиноят процессуал кодекслари билан тартибга солинган. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексида судлар томонидан экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масаласи бир неча моддаларда (экспертиза (84-модда), экспертларнинг хулосаси талаб қилинадиган масалалар доирасини белгилаш (85-модда), экспертнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги (86-модда), экспертнинг ҳуқуқлари (87-модда), экспертнинг хулосаси (88-модда), суд бир неча эксперт тайинлаганида хулоса бериш тартиби (89-модда) белгиланганини кўриш мумкин. Бу эса фуқаролик процессида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби тўлиқ очиб берилмаганини, унда экспертиза тайинлаш учун асослар, экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги, эксперт этиб тайинланадиган шахслар таркиби, экспертиза объектлари, қўшимча ва қайта экспертиза ўтказиш, комиссиявий, комплекс экспертиза ўтказиш асослари ва тартиби ва бошқа ҳолатларни баҳолашга қаратилган махсус меъёрлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу боис суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солиш учун **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонунни қабул қилиш зарурати юзага келди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 18 ноябрда қабул қилинган ҳамда Сенатнинг 2010 йил 7-8 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонун суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солиш ҳамда бу борада қонунчилик ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу янги қонун 33 та моддани ўз ичига олган бешта бобдан иборат бўлиб, унда суд экспертизасига оид умумий қоидалар, давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот раҳбарининг ва суд экспертининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд экспертизасини ўтказиш, суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш ҳамда суд экспертизасига оид якунловчи қоидалар ўрин олган.

Амалдаги **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги қонуннинг 19-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритилаётган юридик, техникавий ва бошқа махсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкинлиги баён этилган. Қонунчилик амалиётидан келиб чиқиб, **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонунда ҳам қўлланилган асосий тушунчаларнинг тавсифи берилган бўлиб, бу суд экспертизаси соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларида қўлланилган атамаларнинг ҳам бир хилда қўлланилишини таъминлайди, соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Янги қонуннинг «Умумий қоидалар»ида назарда тутилган яна бир муҳим қоида — суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар бўлиб, унга кўра, давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин.

**«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилганидир. Қонуннинг 13-моддасида давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари агар мазкур ташкилотда текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассис ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда суд экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариши, суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) суд экспертлари комиссияси таркибига мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан, бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар суд экспертизасини ўтказиш учун уларнинг махсус билими зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиши кабилар шулар жумласидандир. Мазкур қонунда давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбарлари зиммасига бу каби мажбуриятларнинг белгилаб қўйилиши суд-экспертиза соҳасида уларнинг масъулиятини оширишга, суд экспертизасининг ўз вақтида ва самарали ўтказилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонуннинг 3-боби **«Суд экспертизасини ўтказиш»** деб номланади ва унда суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари, қўшимча ва қайта суд экспертизалари, суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши, комиссиявий, комплекс суд экспертизаси, суд экспертизаси ўтказилаётганда процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлиши, суд экспертининг хулосаси ҳамда хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни назарда тутувчи қатор моддалар баён этилган.

Янги қонуннинг **«Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш»** деб номланган 4-бобида суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш ҳамда давлат суд-экспертиза муассасаларини қўриқлашга оид меъёрлар ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши уни амалда самарали тадбиқ этишни таъминлаш ҳамда қонун ҳужжатларини унга мувофиқлаштириш мақсадида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибини назарда тутувчи бошқа қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб қилар эди. Шу боис Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида **«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун ҳам маъқулланди. Мазкур қонун беш моддадан иборат бўлиб, унда амалдаги Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимча киритиш назарда тутилган.

**«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонуннинг 3-моддаси билан атамаларни бир хил ишлатиш ва эксперт бўлиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини белгилаш борасида Фуқаролик процессуал кодексининг 84-моддасини **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонуннинг 3- ва 10-моддаларига мувофиқлаштириш учун тегишли ўзгартишлар киритилди. **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонуннинг 3- ва 10-моддаларида «суд эксперти» тушунчаси берилган ва эксперт бўлиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси белгиланган. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодекси «Эксперт» деб номланган 84[1]-модда билан тўлдирилиб, унга кўра, хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши, эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкинлиги, шунингдек, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексининг 86-моддаси биринчи қисмига киритилган ўзгартишлар билан экспертнинг фуқаролик процессидаги мажбуриятларига доир қоидалар янада аниқлаштирилди. Худди шунга ўхшаш қоида Фуқаролик процессуал кодексининг «Экспертнинг ҳуқуқлари» деб номланган 87-моддасига ҳам киритилиб, экспертнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқлари батафсил баён этилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги қонун ва **«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун нафақат экспертиза соҳасига тегишли қонунчиликни, балки процессуал қонунчиликни ҳам такомиллаштиришга, экспертиза соҳасига доир қоидаларни бир хиллаштиришга, уларга аниқлик киритишга ҳамда тўлдиришга хизмат қилади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**юридик фанлари доктори**

*Munosabat*

# ШҲТ: Барқарор ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги дадил қадамлар

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Гуманитар ҳамкорлик кўлами ҳам кенг. Мунтазам равишда фестиваль, кўргазма ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик тажриба алмашув ва юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашни мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2009 йил 15-16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мажлисидан кейинги вақт мобайнида Ташкилотни янада мустаҳкамлаш, унинг доирасида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, ташқи алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, мазкур саммит якунида ШҲТнинг Екатеринбург декларацияси, Терроризмга қарши конвенцияси ва қатор қарорлар имзоланди. ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Мамлакатимизда ШҲТнинг навбатдаги саммитига муносиб тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Шу йил 22 май куни ШҲТга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлар кенгашининг мажлисида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисига (Тошкент, 2010 йил 10-11 июнь) тайёргарлик юзасидан Ташкилот доирасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор долзарб вазифалар кўриб чиқилди. Долзарб минтақавий ва глобал муаммолар, жаҳондаги вазият ривожининг асосий тенденциялари, шунингдек, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШҲТнинг нуфузли халқаро тузилма сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, унинг бошқа халқаро тузилмалар билан алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасининг ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланиши ШҲТ Хартияси мақсадлари ва тамойилларига, шунингдек, Ташкилот доирасида қабул қилинган бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатлар қоидаларига риоя этиш мажбуриятини зиммасига оладиган минтақанинг бошқа давлатлари учун ШҲТ очиқлигининг тасдиғи бўлди. Мазкур Низомнинг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентда бўладиган мажлисида тасдиқланиши Ташкилотни кенгайтириш механизмини шакллантириш жараёнининг бошланиши бўлади.

Делегациялар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланишини (Тошкент, 2010 йил 5 апрель) қўллаб-қувватладилар. Мазкур декларацияда, БМТ Бош ассамблеясининг 2009 йил 18 декабрдаги A/64/183 сонли резолюциясида белгиланганидек, икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари ўз ифодасини топган.

ШҲТнинг Тошкент саммитида тасдиқланадиган Ташкилот процедуралари қоидалари ШҲТнинг янада изчил ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари ишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, қабул қилинаётган қарорлар ижроси самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

Хулоса қилиб айтганда, ШҲТ минтақада ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Бугун бошланган саммитда кўриладиган масалалар айни йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

**Н.АБДУРАИМОВА**

*Huquq va burch*

# Соғлиққа етказилган зарар

## қонуний тартибда ундирилади



**Маълумки, амалдаги қонунларимизда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар суд орқали қонуний тартибда қопланиши кафолатланган. Албатта, бунда суд томонидан, биринчи навбатда, соғлиққа шикаст етказилганлиги туфайли кўрилган зарарнинг ўрни, ҳажми ва хусусиятлари аниқланади.**

Шунингдек, фуқаро майиб бўлганида ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганида жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган, аммо йўқотилган иш ҳақи, даромадлари, шунингдек, саломатлигига шикаст етказилиши туфайли қилган қўшимча харажатлари ҳисобга олинади. Агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парвариш турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, етказилган зарарнинг ўрни қопланади.

Айтиш керакки, йўқотилган иш ҳақи ва даромадларни аниқлашда жабрланувчига майиб бўлиши ёки соғлиғига шикаст етиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, шунингдек, соғлиғига зарар етказилмасдан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини камайтиришга сабаб бўлмайди. Зарарни қоплаш ҳисобига жабрланувчи соғлиғига шикаст етказилганидан кейин оладиган иш ҳақи ва даромад ҳам бу ҳисобга киритилмайди.

Шу ўринда айтиш лозимки, зарарни қоплаш миқдори ўзгариши мумкин. Меҳнат қобилиятини қисман йўқотган жабрланувчи зарарни тўлаш мажбурияти юкланган шахсдан исталган вақтда, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти соғлиғига етказилган шикаст туфайли зарарни ундириш белгиланган пайтда олдингига нисбатан ёмонлашса, қоплаш миқдорини кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

Айни пайтда жабрланувчининг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс, агар жабрланувчининг меҳнат қобилияти зарарни ундириш белгиланган пайтдагидан кўра яхшиланган бўлса, қоплаш миқдорини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг 1009-моддасига кўра, боқувчиси вафот этганлиги натижасида зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш лозим. Жумладан, даъвогар Феруза Сафарова судга мурожаат қилиб, жавобгар Зафар Шарипов «Дамас» машинасида унинг турмуш ўртоғи Фахриддин Сафаровни уриб юбориши натижасида турмуш ўртоғи оғир тан жароҳати олиб, вафот этганлиги, ушбу автоҳалокат бўйича тергов ишлари олиб борилиб, Навоий шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 2008 йил 8 ноябрдаги ишни тугатиш тўғрисидаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган З.Шариповга нисбатан амнистия тўғрисидаги қарор қўлланилиб, айблилик масаласи ҳал қилинмай, ҳаракатдан тўхтатилганлиги, жавобгар З.Шариповнинг ноқонуний ҳаракати туфайли икки нафар фарзанди отасиз қолганлигини таъкидлаб, фарзандларини ўқитиш, тарбиялаш, вояга етказиш учун кўрилган моддий ва маънавий зарарни жавобгардан ундириб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди даъвони қисман қаноатлантириб, З.Шариповдан Ф.Сафарова фойдасига даъвогарнинг фарзандлари Бекзод ва Сабина 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар бири учун бир ойга 66.650 сўмдан, шунингдек, маънавий зарарни қоплаш учун даъвогар фойдасига бир миллион сўм, марҳумни дафн қилиш билан боғлиқ харажатлар учун 231,5 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Амалдаги қонунларда фуқароларнинг иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари кафолатланиши баробарида уларнинг соғлиғига етказилган зарар ҳам тўлиқ қопланиши белгилаб қўйилган.

Зеро, юртимизда инсон, унинг ҳаёти, шаъни қадр-қиммати олий қадрият деб эътироф этилади ва муҳофаза қилинади.

**Завриддин ҲАЛИМОВ**

*Maslahat*

# Васийлик ҳуқуқи

## бола манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

**Маълумки, васийлик ва ҳомийлик деганда, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий шакли тушунилади.**

Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан тайинланади. Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар) ҳисобланади.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу каби ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилганда, бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Бундан ташқари боланинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғилгани, унинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола истиқомат қиладиган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши лозим. Шундай маълумотлар олинган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарурий чоралар кўриши лозим.

**Шароф ШУКУРОВ,**
**ҳуқуқшунос**

# муқаррарлиги

## жиноятчиликнинг олдини олади

Хўжалик суди даъво талабларини мазмунан кўриб чиқиб, 2009 йил 8 январдаги ҳал қилув қарори билан **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги қонун талаблари бузилгани, инвесторлар, назорат қилувчи органларга нотўғри маълумотлар тақдим этиш орқали чалғитгани учун Т.Пиримқуловга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз баравари миқдорида жарима қўллади.

Халқимиз «Қовун қовундан ранг олади» деб бежиз айтмаган. Бош ҳисобчидан ўрганган жамият бош муҳандиси ва ёнилғи-мойлаш омбори мудири Жамсадин Мамедов ҳам ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож этишга киришди. У ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган дизель ёнилғиси, тўрт дона трактор тиркамаси ва бир дона кесувчи станок сингари жами 1 миллион 180 минг 272 сўмлик товар моддий бойликларни ўзлаштирди. Уларни сотиб, пулларни шахсий манфаатига ишлатди.

Энди мақсадга қайтиб, судланувчиларга нисбатан қандай жазо чоралари қўлланилганига тўхталамиз. Суд ҳайъати, аввало, судланувчилар Т.Пиримқулов ва Ж.Мамедовга нисбатан жазо тайинлашда улар содир этган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, қўйилган айбларга тўлиқ иқрорлиги ва қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигига, етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлигига ҳамда фуқаровий даъвогарнинг уларга нисбатан даъвоси йўқлигига эътибор қаратди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисмида **«Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди»** деб қайд этилган. Суд ушбу қонун талабини ҳамда судланувчиларнинг моддий имкониятларини ҳисобга олиб, уларга нисбатан қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим топди.

Судланувчи Т. Пиримқулов Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбли топилиб, бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Унга нисбатан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ундирилган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз йигирма баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди. Судланувчи Ж.Мамедов эса, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилиб, бир йил раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Инсонпарварлик ва адолат тамойилларини намоён этадиган қонунларимиз жиноят оқибатида етказилган зарар ўрни қопланган боис ҳар икки судланувчига бағрикенглик қилди. Шахс ўзи етказган зарар ўрнини ана шундай ихтиёрий равишда қопласагина қонунларимизнинг кечиримлилиги, мурувватидан баҳраманд бўлади. Жиноят содир этиб, сўнг қилмишидан пушаймон бўлган, тўғри сабоқ чиқарган кишигагина қонунларимиз ён босади.

**Ваҳобжон ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Булунғур тумани судининг раиси**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Куч — адолатда» мухбири**

*Saboq*

**Инсон ҳаётда бирор-бир касбни танлаб фаолият юритар экан, табиийки, меҳнати орқасидан обрў-эътибор қозонишни, муваффақиятларга эришишни ният қилади. Айни жараёнда кўпчилик ҳалол ризқ топишни саодат деб билса, айрим кимсаларнинг бунга қаноат қилмаслиги ҳам сир эмас. Аммо ўзганинг ҳақидан ҳазар қилмаслик кишини охир-оқибат тўғри йўлдан адаштиради.**

# Инсонпарварлик тамойили — амалда



Шовот туманидаги 26-мактабнинг собиқ директори Отаназар Болтаев ҳам ўз-ўзидан бу лавозимга эришгани йўқ. Тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоада ҳурматга, ўз ўрнига эга бўлгани учун у мактаб директорлиги лавозимига тайинланганди. Аммо мансабнинг аслида масъулият эканини унутиб қўйган О.Болтаев 2,5 миллион сўмлик давлат мулкини растрата ва ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилди. Шунингдек, ўзгалар номига 6 та сохта пластик карточкани яширинча расмийлаштирган ва ишчи-хизматчиларнинг 9 миллион сўмлик маошига тегишли ҳужжатларни қалбакилаштириб, охир-оқибатда уни ўз шахсий манфаати йўлида ўзлаштирган «Ипотека банк»нинг Хоразм вилояти филиали пластик карточкалар бўлими собиқ бошлиғи Маҳмуджон Душамов ҳам шундайлардан.

Албатта, бу ҳаётда ҳар қандай қинғирликнинг сўрови бор. Бировнинг мулки, айниқса, омонатига хиёнат қилиш жазосиз қолмайди. Сақловчи мақомидаги шахс учун эса у доимо дахлсиз ва омонатлигича қолмоғи керак. Қонуннинг бу талаби, гарчи, кеч бўлса-да, юқоридаги жиноятларни содир этганлар томонидан адо этилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

